



COMPARATIVE ANALYSIS OF THE IMMORTAL WORKS OF GREAT MEDIEVAL WRITERS AL-MA'ARRI AND DANTE SUCH AS " RISALAT UL GHUFRAN, " AND "DIVINE COMEDY"

Rano Umarovna Khodjayeva

Doctor of Philological Sciences, Professor, Tashkent State University of Oriental Studies, Tashkent, Uzbekistan

Abstract. The article examines in a comparative manner the treatise of the great Arab writer al-Maarri “Risalat al-Ghufran” and Dante’s poem “The Divine Comedy”, the main work of the great Italian poet. In these two works with a similar plot about a journey to the afterlife of heaven and hell, important universal problems are raised with their subsequent interpretation. The article also raises the question of the possibility of influence of the treatise “Risalatu-l-gufran”, written in the 11th century, on the poem “The Divine Comedy”, written in the 14th century, since in Italy in the 12th-13th centuries. There is a great interest in Arabic literature. Europeans became acquainted with its samples through translations, which were intensively carried out in Andalusia, an Arab emirate formed in the south of Spain after its conquest by the Arabs.

Key words: Treatise, heaven, hell, philosophy, tarassul, purgatory, travel, hellish circles, Ridwan, “Divine Comedy”, “Risalat-l-gufran”.

**ЎРТА АСР БУЮК АДИБЛАРИ АЛ-МА‘АРРИЙ ВА
ДАНТЕЛАРНИНГ “РИСОЛАТУ-Л-ҒУФРОН” ВА “ИЛОҲИЙ
КОМЕДИЯ” КАБИ ЎЛМАС АСАРЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

*Ходжасева Раъно Умаровна
Тошкент давлат шарқшинослик университети ф.ф.д., профессори
Тошкент, Ўзбекистон*

Аннотация. Мақолада ҳозирга қадар ўз аҳамиятини ва долбазарблигини йўқотмаган буюк араб адаби ал-Мааррийнинг “Рисолату –л- ғуфрон” асари ва буюк италян шоири Дантенинг “Илоҳий комедия” шоҳ асари солиштирилади ва улардаги жаннат ва дўзаҳга қилинган сафарларининг бир хил мазмуний ўхшашлиги ва фарқланиши таққосланади. Иккала асарда ҳам муҳим умумисоний муаммолар кўтарилган ва талқин қилинган. Мақолада XI асрда ёзилган “Рисалату –л-ғуфрон” асарининг XIV асрда ёзилган

“Илохий комедияси”га таъсири имконлиги ҳам кўзатилади, чунки Италияда XII-XIII асрлардан бошлаб араб адабиётига қизиқиш катта бўлган. Унинг намуналари билан европаликлар араблар забт этган Испаниянининг жанубида барпо этилган Андалусия амирлигидаги кучли таржимонлик ҳаракати орқали танишган .

Калит сўзлар: Рисола, жаннат, жаҳаннам, фалсафа, тарассул, аъроф,саёҳат, Ризвон, дўзоҳ доиралари, “Илохий комедия”, “Рисолату-ль-гуфрон”

Аннотация. В статье в сравнительно-сопоставительном плане рассматриваются трактат великого арабского литератора аль-Маарри “Рисалату-ль-гуфран” и поэма Данте “Божественная комедия”, главный труд великого итальянского поэта. В этих двух произведениях со схожим сюжетом о путешествии в загробный мир рая и ада поднимаются важные общечеловеческие проблемы с последующей их интерпретацией. В статье также поднимается вопрос о возможности влияния трактата “Рисалату-ль-гуфран”, написанного в XI веке, на поэму «Божественная комедия», написанной в XIV веке, поскольку в Италии в XII-XIII вв. наблюдается большой интерес к арабской литературе. Европейцы знакомились с её образцами через переводы, которые интенсивно осуществлялись в Андалусии - арабском эмирате, образованном на юге Испании после завоевания его арабами.

Ключевые слова : Трактат, рай, ад, философия, тарассул, чистилище, путешествие, адские круги, Ридван, “ Божественная комедия”, “Рисалату-ль-гуфрон”.

Жаҳон адабиёти тарихида шундай сиймолар борки, улар ўз ижоди билан муаййан босқичида адабиёт ривожининг энг юксак чўққисига чиқадилар ёки қудратли адабий жараёнинг бошида туриб, унинг сўнги равнақига асос соладилар. Мана шундай жаҳоншумул аҳамиятга эга ижодкорлар сафига буюк араб адаби Абу Ала ал-Мааррий (973- 1058) ва буюк италян шоири Данте Алигьери (1265 – 1321) киради. Ҳар иккала адаб замонасининг янгиша фикрлаш талабига жавоб берниб, мутафаккир мақомини ҳам олган ва ўз халқлари маданиятида ўчмас из қолдириб, миллий чегарани ёриб ўтган ва жаҳон тамаддуни ривожига ўз хиссаларини қўшган. Адабиётга улар янги мавзулар ва ғоялар, янги қадриятлар ва қарашлар, янги сюжетлар ва бадиийлик олиб киришган. Мана шу янги мавзулардан энг муҳимлиги, ўзига хослиги билан ажralиб турадиган мавзу –бу жаннат ва дўзаҳга саёҳатdir. Адиблар яшаган даврлар орасида уч асрга яқин фарқ бўлса-да, шунингдек, улар келиб чиқиши турли минтақаларга-мусулмон Шарқи- Сурияга (Шом) ва Европанинг давлатларидан Италияга мансуб бўлса-да, уларнинг нариги дунёга қилган сафарларга бағишлиланган асарларида бир бирига ўхшаш жиҳатлари жуда кўп.

Абу Ала ал-Мааррий мумтоз араб адабиёни энг юқори поғонасига олиб чиқкан адаб ҳисобланади. Унинг ижодида индивидуал муаллифлик яққол намоён бўлди, чунки у шу давргача араб адабиётига хос булган умумийликдан

воз кечди, ал- Мутанаббий, Абу Фирос Ҳамодоний каби шоирлар билан бир қаторда шахсий ижодни такомиллаштирилди. Улар анъанавий шеърий мотивларни ҳаётга яқинлаштирилди, шахсий реал ёки руҳий ҳолатдан илгариладилар. Ўзларига хос услугб ишлаб чиқардилар. Ал- Маарий ўрта аср араб шеъриятининг энг улуг шоирларидан ҳисобланади, аммо у замондошлари каби сарой шоири бўлмади, амирларга, султонларга, вазиру аъзамларга мадхиялар ёзмади. Уч ёшида кўр бўлиб қолган шоир умр йўли давомида аччиқ ҳаёт тажрибасидан ўтди, унинг феълу атвори шаклланишида атрофида хукм сурган жаҳолат, нодонлик, таассубчилик ва зўравонлик каби иллатлар кучли таъсир кўрсатди. У жабрланганларга ҳамдард бўлди, адолатсизлик ва зулмни тугатиш учун йўл излади, буни топа олмай аламзада бўлди, ҳажв қилди, кулгига олди, муросасиз муносабатда бўлди. Адибнинг серқирра ижодида ҳақиқат ва адолат йўлида тинимсиз фалсафий изланишлар, маънавий ҳаётни моддий ҳаётдан юқори қўйиш, танқидий рух, баъзида тушкунлик кайфияти хукм суради. Умумий олганда, ал-Мааррий қайси жанрда ижод қилмасин, унинг кенг дунёқараши кўзга ташланади, ўз замонасининг пешқадам инсонларидан бўлганлиги яққол сезилади. Адиб шариат, фикх, ҳадис ва бошқа мусулмон илмларидан, ислом тарихи, араб адабиёти, тилшунослиги, умуман маънавий- маданий мероснинг билимдонлиги асарларда келтирган илмий фикру-мулоҳазалар, қуръоний иқтибослар, ривоятлар, мақол ва масаллар, тарихий воқеа –ходисалар, диний таълимотлардан билиш мумкин. Шеърларида у коинот, мавжудот, борлиқ тўғрисида масалалар қўтариб, уларни башарият билан боғлайди ва “инсон ва коинот”, “инсон ва жамият”, “инсон ва дин” нуқтаи назардан ёндашди ва гуманистик ҳаёт фалсафасини яратди ва биринчи бўлиб тўлақон фалсафий лирикага тамал тошини қўйди. ”Рисолату- ғуфрон” ал-Мааррийнинг насрый шоҳ асари бўлиб, унда ҳам мутафаккир инсон моҳияти тўғрисида фалсафий масалалар қўтаради, унинг ўзига ё жаннатда бўлишига ёки дўзахга тушишига асосий масъулият юклайди.

Дантега келсак, бу буюк италян шоири ижоди бир томондан ўрта аср Европа адабиётининг энг юксак пофонаси бўлиб, унга якун ясади, иккинчи томондан қудратли янгланиш жараёнинг биринчи қалдирғочи сифатида Европада бошланган буюк Уйғониш ҳаракати- Ренессансга тамал тошини қўйди. Уни илк бор жаҳоншумул аҳамиятга эга Европа буюк шоири деб аташди. Данте биринчилардан бўлиб ўрта асрларда Европада черков босими оқибатида ўз иродасини йўқотган ва камситилган инсонни мавжудот марказига қўйди, энг юсак хилқатлигини эътироф этди, қадриятларни унинг ҳаёти билан боғлади. Дантедан кейинги адиблар авлоди уни ишини давом этиб, инсонпарварлик – гуманизм ғояларини шакллантириди. Унинг шоҳ асари “ Илоҳий комедия” жаҳон адабиётининг энг буюк ёдгорликларидан бўлиб қолди ва инсонга янгича антропологик қараш пайдо бўлишида катта роль ўйнади.

Агар икки буюк адибларни ўлмас асарлари – “Рисолату-л- ғуфран” ва “Илоҳий комедия”ни таққосласак, кўп ўхшаш жиҳатларини қўрамиз. Аввало, икки асарда ҳам жаннатга, аърофга ва дўзахга саёҳат тасвирланган. Бу жойларни тавсифида ҳам ўхшашлик бор: жаннат- илоҳий нур ёғилиб турган,

неъматларга тўлиб тошган самовий макон. У бир нечта қисмлардан иборат бўлиб, у ерда турли мақомдаги солиҳ, дунёвий ҳаётда олийжаноб ишлар қилган, гуноҳсиз ёки тўла мағфират этилган одамлар роҳат ва фароғатда истиқомат қиласди. Жаҳаннам- золимлиги, ҳиёнати, алдаши, адолатсизлиги ва бошқа ёвуз ишлари туфайли гуноҳларига қараб турли жазо олиш учун тақсимланган кишиларга мўлжалланган дўзах қатламларидир. Дўзах адибларнинг тавсифи бўйича жуда чукурда, ерни тагида жойлашган, унинг устида аъроф, кейин нур ёғдусида ажойиб макон- жаннат жойлашган.

Аъроф деганда, ислом энциклопедияси “ислом ақидасига кўра, қиёмат куни жаннатга ҳам, дўзахга ҳам тушмай ўртада қоладиган одамлар аърофда турадилар”деб тушунтиради[1,75]. Насронийларда жаннатдан олдин ўлганларнинг жони гуноҳдан покланадиган жой. Адиблар асарларида нариги дунёдаги бу жойларни васфида баъзи тафовутлар борлигига қарамай, умумий томонлари кўзга ташланади.

Яна ўхшаш жиҳати - иккала асарда ҳам жаннат ва дўзах саёҳатини адиблар амалга оширадилар: “Рисолату-л-ғуфронда” бу шоир Ибн ал-Қарих, “Илоҳий комедия”да эса Дантели ўзи қадимги Рим шоири Вергилий билан сафар қиласди. Данте Вергилийни устози деб билган, унинг асарларида таъсирланган ва илҳомланган. Қизиғи шундаки, иккала шоир ҳам жаннатда, ҳам дўзахда баъзida кутилмаган одамларни учратадилар ва улар билан узоқ сұхбатлар олиб бориб, сабабларини билиб оладилар.

Икки асарнинг ўзаро фарқларга келсак, 1033 йилда ёзилган “Рисолату-л-ғуфрон қаҳрамони ўрта истеъодли ва лекин уddабурон шоир бўлса, “Илоҳий комедия” қаҳрамонлари буюк адиблар Данте ва Вергилийлар. Бу омил асарлар руҳига муайян таъсир кўрсатади. Ал-Мааррий қаҳрамонига нисбатан танқидий—истеҳзоли муносабат билдиради. Жаннатда ҳам сұхбатдошларида савол туғилади: қандай қилиб бу савоб ишларни қўп қилмаган, ўртамиёна шоир жаннатга тушди. Ибн Қарихнинг тирилганидан сўнг жаннат дарвозаси олдида кутиб қолиши, сўнг дарвоза посбони Ризвонга бағишлиб мадҳ ёзиши ва бир амалаб жаннатга кириб олиши дунёвий ҳаётдаги ишларни эслатади. Яна ал-Мааррий Ибн Қарихни жаннатга киришидан мақсади фақат у ерда нозу-неъматлар ви хизматида хур қизлар туруши учун бўлганидан ғазабланади ва қаҳрамонини бошига таъна тошини ёғдиради. Ал-Мааррий фикрича, соғ мұммин мусулмон жаннатга неъматлари учун эмас, балки чин эътиқоди ва имони учун интилади. Ал-Мааррий жаннатга интилишни содда-ҳиссий тушунишни ҳоҳламайди, у жаннат билан олий маънавий юксалишни назарда тутади. Ибн ал Қарих филолог бўлгани туфайли жаннатда дуч келган шоир ва адиблар билан адабиёт, шеърият, тил масалаларида сұхбатлашади, улар билан, баҳслашади. Уддабуррон Ибн Қарих дузаҳга ҳам саёҳат қилишга йўл топади ва бу ерда тасодифан кутилмаганда таниқли шоирлар, адиблар, олимларни учратади. Жаҳаннамда қолиб кетиш хавфи туғилгандан кейин, орқасига қайтади. Дўзахда рўй берган воқеалар дунёвий ҳаётдаги ижтимоий тус олади.

Ал-Мааррийдан фарқли ўлароқ, Данте ўз қаҳрамонларини олдин дузаҳга жўнатади ва уни тузилишини батафсил баён қиласди. Данте тасвирида ҳам дўзах ер қаърида жойлашган бўлади ва у 9 доирадан иборат бўлиб, ернинг қоқ

марказига энг тор доираси билан тақалади. Ҳар бир доирада жиноят қилганлар азобланади, уларга гуноҳига қараб жазо берилади. Оҳирги доирада энг оғир жазога мубтало бўлганлар - бу хиёнат қилганлар бўлади. Масалан, улар орасида Исо пайғамбарни сотган Иуда, қадимги Рим машҳур лашкарбошиси ва ҳоким Гай Юлий Цезарни хиёнаткорона ўлдирган олдин унга ўғилдек яқин бўлган Марк Юний Брут, сотқин Гай Кассийлар каби даҳшатли азобларга дучор бўлганлар бор.

Дўзахдан сўнг Данте Вергилий ҳамроҳлигидаги ерни ўртасида жойлашган дўзахнинг 9 доирасидан ерни иккинчи томонига, тоғлар ўртасида жойлашган хашаматли маконга чиқади. Бу жой покланадиган жой бўлиб, у ҳам 7 доирадан иборат- улар 7 гуноҳлар рамзи. Тепага қараб доиралар торайиб бориши билан, улар ифодалаган гуноҳ ҳам ожизланиб, кучини йўқотиб борар экан. Оҳирги доира ўз гуноҳларини ювиб ташлашни илтижо қилаётганлар руҳлар билан тўлиб тошиб кетар экан. Оқибатда унча оғир бўлмаган гуноҳлар мағфират қилиниб, жаннатга дарвозалар очилар экан. Бу католикларнинг нариги дунё тўғрисида тассаввури бўйича Дантелини пешонасига 7 гуноҳни белгисини чизиб қўйишади ва Данте бу макондаги етти доирадан ўтаётганда бу белгилар бирин кетин йўқолиб боради ва ҳар сафар у покланганидан далолат беради. Вергилий Дантели жаннат дарвозалари гача олиб бориб уни олдин вафот этган ва солиҳалиги учун жаннатда ҳам юқори мақомга эга бўлган севгилиси Beатричега топширади. Данте ва Beатриче жаннатда сайр қиласидар. Вергилий эса будпарастлар даврида яшаганлиги ва чўққинган бўлмаганлиги учун жаннатга киролмайди. Агар Ал-Мааррий асари билан таққосласак, “Илоҳий комедиядан” фарқли равища, унинг асарида жаннатга ҳатто исломгача яшаган жоҳилия давридаги машҳур олийжаноб шоирлар киритилади, чунки Яратган уларнинг дунёвий солих ишларини инобатга олади.

Ал-Маарийнинг “Рисолату-л-ғуфрон” асари узоқ вақтдан бери Ғарб шарқшунослар эътиборини ўзига жалб қилиб келмоқда. Бу асар Дантега Илоҳий комедия”сини яратишида уни илҳомтирган ва таъсир кўрсатган деган таҳмин бор. Данте яшаган даврда (XIV аср) араб-мусулмон маданиятига ва адабиётига қизиқиши катта бўлган. Унинг намуналари билан европаликлар араблар забт этган Испаниянинг жанубидаги таржимонлик фаолияти орқали кенг танишган. Данте ислом маданияти илмий ва фалсафий фикри билан яхши таниш бўлган, Ибн Сино, ал-Ғазолий, Ибн Рушд, Аҳмад ал-Фарғоний ва бошқа мусулмон мутафаккирлардан иқтибослар келтирган. Улар тўғрисида араб тилидан лотин тилига қилинган таржималардан маълумотлар олган[2]. Нариги дунё, охират тўғрисида араб-мусулмон тасаввури ва Ғарбий Европа халқлари эсхатолог тасаввури орасида жуда қўп ўхшашлик борлигига биринчи бўлиб таниқли испан арабшуноси М. Асин Паласиос аҳамият берди. У 1919 йили нашр қилган машҳур “Илоҳий комедия”да мусулмон эсхатология (Нариги дунё тасаввури)”номли китобида нариги дунёга нисбатан араб-мусулмон қарашларни Дантели қарашлари билан таққослади ва ислом эсхатологиясини Дантега тўғридан тўғри таъсири борлиги туғрисида хulosага келди. Асин Паласпоснинг фикрини италян арабшунос олимлари Энрике

Черулле ва Франческо Габриэли қўллаб қуватлади. Данте асаридан деярли 300 йил олдин ёзилган асарида ал-Мааррий ўзини замонасидан узиб кетган файласуф ва мутафаккир сифатида намоён бўлди. У дунёвий масалага ёндашганда ҳам ёки нариги дунё тўғрисида лавҳалар яратганда ҳам ақл-заковатдан келиб чиқади, маънавий юксалиш билан боғлайди. “У инсоният фожеаси тўғрисида фикр юритар экан” – ёзади, таниқли инглиз арабшуноси Р.А. Никольсон, “унда адолатсизликка, мунофиқликка ва диний бидъатларга бўлган нафрат ёнаётгани яққол кўринади. Ҳикмат ва салоҳиятни излашида у иллатларни ва нодонликни фош қилади. У даврини қўрқмасдан ва ғаразсиз тасвир этади ва ...ҳаммадан жозибалиги шуки, ижодкор ўзининг шак-шубҳалари билан қурашиб, барибир ақл-заковат оғир муаммоларни ечишига қодирлигига ва ҳақиқатга олиб чиқишига ишонади...”[3, 64].

Ал-Мааррий ва Данте ўз замонасининг энг пешқадам ижодкор инсонлардандир. Улар коинотнинг эзгулик ва ёвузлик, инсон зиммасидаги ахлоқий вазифалар, ҳақиқий имон, ҳаёт ва мамот каби асосий сирлари тўғрисида фикр юритар экан, барча нарсага танқидий назар билан қарашади ва инсонни такомиллашувини руҳий юксалишда, одамларга хизматда бўлишда, зулм ва куч ишлатмасликда кўришади.

АДАБИЁТЛАР.

- 1.Арабская средневековая культура и литература.-М.: Наука. 978.
- 2.Габриели Ф.Данте и ислам . Сборник “Арабская средневековая культура и литература.-М.Наука, 1978.
- 3.Гибб Х.А.Р.Арабская литература.Классический период.-М.: Наука,1960.
- 4.Грюнебаум Г.Э. Основные черты арабо-мусульманской культуры.- М.:Наука.1961.
- 5.Фильшинский И.М. История арабской литературы X-XVIII веков. Изд. второе.- М.:из-во «Книжный дом Либроком».М.2010
- 6.Ходжаева Райно. Мумтоз араб адабиёти жанрлари тизими ва типологияси.ТДШИ.Тошкент.2015.
7. Данте Алигьери Божественная комедия. Перевод с итал. А,А Ивашина .-М. Дрофа, 2008, 622.
- 8.Холбеков М. Данте Алигьери ва унинг “Илоҳий комедия”си.”Жаҳон адабиёти” журнали.2013 йил, 5 –сон.
9. Шидфар Б.Я. Абу-ль Аля аль Маарри . М.Наука, 198
10. Ислом. Энциклопедия. ”Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти.Тошкент.2017.